

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir



O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uszsgzt.uz, uszs@yandex.ru • 2018 йил 23 февраль • № 8 (1185)

СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ТИББИЁТ. УЛАР ЎРТАСИДА ҚАНДАЙ ФАРҚ БОР?

видеоселектор йиғилишида ушбу тушунчаларга ойдинлик киритилди

Жорий йилнинг 17 февраль куни Соғлиқни сақлаш вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Рустам Қосимов раҳбарлигида "Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган Фармон ва Қарорлар ижроси ва истиқболдаги вазифалар тўғрисида"ги видеоселектор мажлиси бўлиб ўтди.

Онлайн тарзда ўтказилган мазкур йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси спикери, Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарияти, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари ўринбосарлари, Тошкент шаҳри ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқлари, республика тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари, ихтисослаштирилган марказлар ва илмий-текшириш институти директорлари, тиббиёт олий ўқув юрталари ректорлари ва тиббиёт коллежлари ҳамда лицейлари директорлари, шунингдек, Республика давлат санитария эпидемиология назорат маркази бош шифокори, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Президенти Давлат маслаҳатчиси Рустам Қосимов кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда мамлакатимиз тиббиёт тизимида Президентимиз томонидан соҳага оид бир қанча муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини ва бу борада амалга оширилаётган ишларга уруғ берди. Шунингдек, мазкур ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳамда унинг замирида инсон саломатлиги ва турмуш фаровонлиги мужассам эканлигини таъкидлаб, тизимга янгича фикр, ташаббускорлик билан ёндашиш давр талабига айланганлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг, кун тартибидан ўрин олган муҳим мавзулар – тиббиёт муассасаларидаги кадрлар таъминоти, бирламчи тиббий тизим фаолияти, аҳолига кўрсатилаётган ихтисослашган ҳамда шошилинч тиббий ёрдам, соғлиқни сақлашда хусусий сектор ва болаларда туғма ирсий касалликларни барвақт

аниқлаш масалалари ҳамда Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида олиб борилган ўрганишлар натижасига эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Рустам Қосимов, аввало, тизимга оид чиқарилган қарор ва фармонлар ижроси жойларда сусткашлик билан бажарилаётганлигини, бунинг сабаби, юқоридан бораётган ҳужжатлар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларида қолиб кетаётганлиги, ҳатто айрим раҳбарлар бу борада тўлиқ маълумотга эга эмасликларини танқид қилди. Шу билан бирга, мамлакатимизда 32 миллион аҳоли истиқомат қилишини ва улар соғлигини муҳофаза қилиш осон эмаслигини, бунинг учун нафақат тиббиёт ходимлари, балки ҳар бир инсон, қолаверса, кенг жамоатчилик ҳамжихатлигида иш олиб бориши зарурлигига алоҳида тўхталиб, соғлиқни сақлаш ва тиббиётнинг фарқи хусусида ўз фикрини билдирди. Бундан ташқари, жорий йилнинг 18 январь куни Соғлиқни сақлаш вазирлигида тегишли вазирлик ва идоралар билан кўтима қарор қабул қилинса-да, ҳанузгача жойларга етиб бормаганлигини ҳамда барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан

аҳоли ҳам беҳабар эканлигини тилга олди. Бунинг баробарида жойлардаги тиббиёт муассасаларида ҳалигача кадрлар таъминоти тўлиқ таъминланмаганлиги, айни пайтда ҳудудларга юборилган мутахассис ва ёш кадрларни узоқ йиллар ишлаши учун керакли шарт-шароитларни яратиш зарурлигини, клиник ординатура бўйича давлат гранти асосида ўқитиш, танловлар ўтказиш масалаларига эътибор қаратиб, вазирлик билан келишилган ҳолда чекка ҳудудларга бориб фаолият юритаётган ёш шифокорлар меҳнатини 30 фоиз рабатлантириш таклифини киритди. Айниқса, халқаро тажриба алмашиш борасида ёш мутахассисларни хорижий давлатларга ятадиш зарурлигини, клиник юбориш, уларни билим ва малакасини ошириш учун маҳорат дарсларини ўтказиш, устоз-шоғирд аъёнасини давом эттириш муҳимлигини таъкидлади. Йиғилиш давомида кун тартибидан ўрин олган яна бир муҳим масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган "Шошилинч тиббий ёрдам тизимини

(Давоми 2-бетда).

Видеоконференция

ҚАНДСИЗ ДИАБЕТНИ ДАВОЛАШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Маълумки, замонавий тиббиётнинг асосий вазифаси давлат ва жамиятга катта маънавий ҳамда моддий зарар етказиши мумкин бўлган оғир тиббий-ихтимоий касалликлар, улар асоратларининг олдини олишдан иборатдир. Бугунги кунга келиб, қандсиз диабет ана шундай муаммолардан бирига айланди.

Аксариyat кишилар қандли диабет билан қандсиз бири-бирига ўхшаш, деб ўйлайди. Аслида эса ундай эмас. Ҳаёт сифатининг пайсаяиши ва беморларнинг ногиронлигига олиб келадиган мазкур сурункали, полиэтнологик касаллик наслий ёки ортирилган бўлиши мумкин, қолаверса, у катталарда ҳам, болаларда ҳам учрайди. Бугунги кунда мамлакатимизда қандсиз диабет касаллигига

чалинган 2 минг 778 нафар бемор диспансер назоратида туради. Улардан 249 нафари болалар, 91 нафари эса ўсимирларни ташкил қилади. Бу ҳақда жорий йилнинг 19 февраль куни бўлиб ўтган "Қандсиз диабетни ташхислаш ва даволашда инновацион ёндашув" мавзусидаги илмий-амалий конференцияда маълумот берилди. Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази масъулари, умумий амалиёт шифокорлари ҳамда студиялардан вилоятлардаги эндокринология диспансерлари мутахассислари иштирок этган мазкур тадбирда россиялик профессор Л. Рожинская ва Марказ олимлари маъруза қилишди.

Анжуманни Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, бугун мамлакатимизда давлат ва жамиятни ривожлантириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида том маънодаги мисли кўрилмаган янгиланиш ва ривожланиш жараёнини жадаллик билан

(Давоми 4-бетда).



Ҳамкорлик

БИРЛАМЧИ ТИЗИМДА КАРДИОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази халқаро стандартлар асосида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, даволаш ва диагностика қилишда замонавий усуллари татбиқ этиб келмоқда.

Бугунги кунда Марказда юрак ишемик, аритмия ва норокоронарен патологияси касалликлари, қон айланиши етишмовчилиги ҳамда артериал гипертензия, кардиоцеребрал патология, юракнинг мураккаб аритмияларини ЭФИ-диагностикаси, ренгенэндо-

васкуляр жарроҳлик каби юқори технология тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Функционал диагностика, юрак қон-томир касалликлари эпидемиологияси ва профилактикаси, биокимё, ташкилий-усулбуй бўлимлари ташкил этил-

ган ушбу марказда йилига 7 минг нафардан ортиқ беморга стационар ёрдами кўрсатилиб, 45 минг нафар беморга эса амбулатор шароитида маслаҳат бериб борилади. Айтиш жоизки, муассаса замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, фаолиятга юқори технология ташхислаш ва даволаш усуллари амалиётга татбиқ этилмоқда.

(Давоми 5-бетда).



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ТИББИЁТ. УЛАР ЎРТАСИДА ҚАНДАЙ ФАРҚ БОР?

видеоселектор йиғилишида ушбу тушунчаларга оидинлик киритилди

жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорнинг мазмун ва моҳияти хусусида тўхталиб ўтди. Жумладан, мазкур йўналишда сўнгги вақтларда ижобий натижаларга эришилаётганлигини, тез-тез тиббий ёрдам машиналари тўлиқ дори-дармон воситалари билан таъминланаётганлиги ва қақурувларга ўз вақтида етиб бораётганлиги ҳамда аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатининг ошириб бораётганлигини айтиб, айрим ҳолатларда аҳоли томонидан нўрнин қақуруқлар туфайли давлат бюджетига зарар етказилаётганлигига эътироз билдирди. Бир сўз билан айтганда, тез ёрдам сурункали касалликларга эмас, ўз номи билан ҳаёти хавф остида қолган беморга биринчи шовилчин ёрдам кўрсатиши зарурлигини таъкидлади. Аҳолига ихтисослашган ёрдамни яқинлаштириш мақсадида пойтахтимиздаги етакчи клиникаларнинг 349 нафар тажрибали мутахассислари томонидан жорий йил давлатида 220 минг нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Жойларда маҳаллий мутахассислар ҳамкорлигида мураккаб ва ноёб операция жараёнлари амалга оширилди. Хорижий давлатлардан 23 нафар соҳа мутахассиси таъриф буюриб, ҳамжихатликда тажриба алмашган ҳолда маҳорат дарсларини олиб боришди. 2018 йилда давлат сиёсатининг яна бир устувор вазифасига айланган оналик ва болаликнинг муҳофазасида қилиш масаласига эътибор қаратилар экан, бу борадаги ишлар ҳам талаб даражасида эмаслиги, жойларда раҳбар ходимларнинг ишга бўлган масъулиятсизлиги туфайли белгилаб олинган вазифалар ўз натижасини бермаётганлигига ургу берди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 25 декабрида қабул қилинган "2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси бўйича жойларда олиб борилаётган ишлар хусусида гапириб, Республика "Она ва бола скрининг" маркази фаолиятига тўхталиб, жумладан, 2013-2017 йиллар даврида болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури доирасида барча "Она ва бола скрининг" марказлари ҳал қилиш имконияти юқори бўлган анализаторлар ва замонавий ультратовуш сканерлар билан жиҳозланганлиги, амалга оширилган тадбирлар натижасида мазкур касалликлар кўрсаткичи ижобий томонга ўзгарганлигини таъкидлади. Лекин эришилган натижалар қаторида ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммолар ҳақида фикр билдирди. Бу каби камчиликларни бартараф этиш учун марказ мисолида унинг жойлардаги бўлинмаларида ҳам ишлар тўғрисида йўлга қўйилиши ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, мазкур меъёрий ҳужжатнинг моҳияти

(Давоми. Боши
1-бетда).

тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш лозимлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси спикери Нурдинжон Исмоилов аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатилиши ҳамда 2018 йил 6 ой давомида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ўз фикрларини қуйидагича билдирди.

– Мамлакатимизда тиббиёт тизимига қаратилаётган эътибор нихоятда юқори бўлиб, бугунга қадар Давлатимиз ва Хукуматимиз томонидан соҳа ривожини янада такомиллаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинаётганлиги бежиз эмас. Юқорида таъкидланганидек, тизимда самарали фаолиятлар қаторида айрим камчилик ва муаммолар борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Тизимнинг бирламчи бўлинига эътибор қаратар эканман, депутатларимиз ушбу йўналиш бўйича ҳамда аҳоли билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, ечимини кутаётган муаммоларга оидинлик киритишди. Айтиш мумкин, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар билан таъминлаш борасида кенг имконият ва шароитлар яратилди. Қишлоқ оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктларида тизим фаолияти ўзгартирилиб, тор мутахассислар билан ҳам таъминланди. Ҳатто тиббиёт ходимлари учун 2 ставкада ишлаш ҳамда песионерлар тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлди. Шу билан бирга, мазкур муассасалар олдида тез тиббий ёрдам шохобчалари ҳамда иктомий дохионалар ташкил қилинди. Албатта, бу каби диққатга молик ишларни кўлаб келтиришимиз мумкин лекин айрим ҳолларда масъулиятсизлик туфайли юзага келаётган ҳолатлар килини рақиблади. Биргина мисол, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларининг қишлоқ оилавий поликлиника ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида бўлганлигида иш тартиби белгиланган 08-20:00 гача давом этмаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Шунингдек, айрим вилоятлардаги тиббиёт муассасаларида ўринлар сони бир хил бўлиб қолаётганлиги, бунинг натижасида давлат бюджетига зарар етказиётганлигини ҳам ўйлаб қўришимиз ва улар сонини тартибга солишимиз керак, деб ўйлайман. Бундан ташқари, фаолиятда қўланилаётган патронаж сумкалар бир хиллигини ҳамда ундаги асбоб-анжомлар тўлиқлигини таъминлаш, бу албатта, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишда мумкин аҳамият касб этади. Шу ўринда тақдоримиз жоизки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан қабул қилинган Қўшма қарор ишлар самарадорлигини оширишда яна бир дастуриламал бўлди. Фуқароларимиз соғлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари Қўмитаси ташкил этилди. Унинг аъзолари ўз фаолиятини жойларда давом эттиради. Кўзланган мақсадларга эришиш ва олдимизда турган вазифаларни бажаришда ҳамкорлик асосий ўрин тутишига ишонаман.

Мажлис давомида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Эльмира Баситханова сўзга чиқиб, иштирокчиларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан қабул қилинган Қўшма қарор тўғрисида чуқур маълумот бериб, асосан "Саломатлик мактаблари"да иш жараёнининг кенг қўламада олиб бориш ҳамда унинг натижалари бўйича мактабларда хар шанба куни тахлийий йиғилиш ўтказиш лозимлигини айтиб ўтди. Маърузачи шу кунга қадар ушбу фаолиятлар айрим жойларда ҳанузгача ташкил қилинмаётганлигини ҳамда Қўшма қарор тўғрисида айрим раҳбар ходим ва аҳолининг мулоқо ҳабаби йўқлигини афсус билан айтди. Бунинг учун оилаларда тиббий маданиятни ошириш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мумкинлигини таъкидлади.

Шундан кейин Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари, Бош давлат санитария врачлари Сайдамурод Сайдалиев мумкин иктомий аҳамиятга эга касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва санитария-эпидемиологик барқарорлиқни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда 2018 йилда амалга оширилаётган устувор вазифалар тўғрисида тўхталиб ўтди. Жумладан, 41 та санитария карантин чегаралари фаолият олиб бораётганлиги туфайли мамлакатимизда эпидемиологик вазият барқарор эканлигини айтиб, бу борада эришилаётган ютуқларга алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, ўтган ва жорий йилда Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд вилоятларида овқатдан заҳарланиш ҳолатлари юзага келганлигини афсус билан тилга олди. Бу албатта, жойларда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмаётганлиги ҳамда маъий хизмат кўрсатиш жойларида техник ҳолатларнинг талаб даражасида эмаслиги, шу билан бирга, кадрлар малакаси етишмаслиги натижаси эканлигига алоҳида эътибор қаратди. Вазир ўринбосари Сайдамурод Сайдалиев Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раислигида 14 февраль куни мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги тахлийига бағишланган видеоселектор йиғилишида мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатланишини, таомларни тайёрлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлашда санитария нормаларини ҳамда гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш зарурлигини таъкидлаганликларини алоҳида гапириб ўтди. Мазкур фикрлардан келиб чиққан ҳолда

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, биз мақола мавзусини бежиз "Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт. Улар ўртасида қандай фарқ бор?" деб номламадик. Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар моҳиятидан кўриниб турибдики, соғлиқни сақлаш бу кенг жамоатчилик ҳамда хар бир фуқаронинг ўз саломатлигига эътибори бўлса, тиббиёт эса тизимини ривожлантириш, касалликларнинг олдини олиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, соҳа мутахассисларининг аҳоли соғлигини асраш ва мустаҳкамлашга қаратилган касбий фаолиятдир. Шундай экан, давр талаби ҳамжихатликда иш олиб боришни тақозо этади.

Ибодат СОАТОВА.

Халқимиз саломатлигини асрашдек эзгу ишларни амалга ошираётган тиббиёт ходимлари меҳнатидан қанчалар рози бўлсанг арзийди. Бугунги кунда қайси бир тиббиёт муассасида бўлмайлик, у ердаги кенг имкониятлар, малакали тиббиёт ходимлари кўрсатаётган сифатли тиббий хизмат, муомала-маданияти дардингизга шифо бўлади. Бу, албатта, Юртбошимизнинг аҳоли саломатлигига бўлган эътибор ва ғамхўрлиги туфайлидир. Айни пайтда нафақаданман. Охириги пайтларда саломатлигини тиклаш мақсадида пойтахтимиздаги кўпгина шифо масканларида даволаниб келяман. Яқинда Республика 2-клиник шифо-

ЭЛ ДУОСИНИ ОЛИШ БАХТИ

хонасида даволаниб чиқдим. Мазкур тиббиёт муассасаси бош шифокори Мирносор Миронусов мени илиқ қутиб олиб, малакали шифокору ҳамширалар томонидан тиббий хизмат кўрсатилишини айтиб, мавжуд имкониятлардан тўлақонли фойдаланишим учун керакли тавсияларини берди. Тезда соғайиб, оилам бағрига қайтишимда кардиология бўлими бошлиғи, олий тоифали шифокор Жамшид Абдурахимов, физиотерапия бўлими бошлиғи Воҳид Муслимов, бир-биридан чаққон ҳамширалар

Дилноза Ашрапова ва Комила Агзамоваларга чексиз ташаккуримни билдираман. Шунингдек, ўзим истикомат қилаётган ҳудуддаги тиббиёт ходимларининг ҳам меҳнатлари нечоғли таҳсинга лойиқ эканлигини айтиб ўтмоқчиман. Айниқса, Юнусобод тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Муқддас Умарова, бош шифокор ўринбосари Робияхон Нурметоваларга соғлигим тўғрисида кўп муурожаат қилганимда, уларнинг ҳшумомалалиғи, ўз касбига бўлган меҳри мени янада тетиклаштиради. Шу билан бир-

га, хонадонимизга ташриф буюриб, холимиздан доимий хабар олувчи 54-оилавий поликлиника бош шифокори Нилуфар Мансурова, олий тоифали шифокор Гулнора Қодирова, невропатолог Лола Абдуллаева, терапевт Моҳинур Исмоилова, тажрибали уқаловчи Гулчехра Маҳмудоваларнинг беморларга кўрсатаётган беминнат хизматларидан барчамиз миннатдоримиз. Шундай қалби пок шифокорларга кўпгина беморлар номидан дил изҳоримни билдириб, уларнинг халқимиз дуосини олиб юришдек шарафли ишларига зафарлар тилаб қоламан.

**Шухрат МУҲАМЕДОВ,
Тошкент шаҳри Юнусобод тумани.**

Қарор ва ижро

МАЛАКА ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатимизда даврнинг муҳим талабларидан бири кадрлар малакасини ошириш масаласига катта эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Чунки, ҳар бир фаолият самарадорлигини интеллектуал салоҳиятга эга бўлган мутахассислар амалга ошира олади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кун мавзусига айланган малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш мақсадида кадрлар малакасини ошириш борасида соҳага оид фармон ва қарорларни қабул қилаётганликлари, бу албатта, жамиятимиз тараққиётининг янада юқалишига дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Шу жумладан, юртимиз соғ'лиқни сақлаш тизимида ҳам мазкур йўналишда диққатга молик ишлар амалга оширилмоқда. Республика ўрта тиббиёт фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш марказида ана шундай фаолиятлар тўғри йўлга қўйилган. Ушбу ўқув жараёнларига янада ойдинлик киритиш мақсадида марказ директори Лола Мусажонова билан суҳбатда бўлдик.

– Лола Халилжоновна, юқорида таъкидлаганимиздек, куннинг долзарб мавзусига айланаётган кадрлар малакасини ошириш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланмоқда. Бу борада марказ-

талабларига жавоб бериши учун асосий эътибор таълим самарадорлигига қаратилмоқда. Айтиш лозимки, мукамал ўқув дастури – малака ошириш сифатининг гаровидир. Малака ошириш бўйича намунавий ўқув режа ва дастурларни шакллантириш жараёнида етак-

мақсадида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Дарҳақиқат, мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишни таъминлашга қаратилган кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, комп-

ва вилоятнинг мактабгача таълим муассасалари ва мактабларида фаолият олиб бораётган ҳамширалар тахсил олмақдалар.

Тиббиётнинг яна бир долзарб йўналишларидан “Тез тиббий ёрдам хизматини ташкил этиш” бўйича ҳам соҳа мутахассислари (диспетчерлар) ўқитилмоқда. Унда асосан ижтимоий-гуманитар, умумқасбий ва мутахассислик бўйича фанларга оид машғулотлар олиб борилади. Ҳуқуқчилар томонидан тез тиббий ёрдам станцияларида диспетчернинг роли ва вазифалари, аҳоли турар жойлари, топографияси ва даволаш-профилактика муассасаларининг жойлаш харитаси билан ишлар, фуқаролар мурожаатини қабул қилиш, чакириқ қабул қилишда диспетчернинг қадамба-қадам ба-

лари”нинг олдини олиш ва бу борада ДПМларда олиб борилаётган чора-тадбирлар масаласига эътибор қаратилиб, ушбу йўналишдаги кадрлар малакасини ошириш муҳимлиги таъкидлаган эди...

– Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда шифохона ичи инфекциялари орқали юқаётган турли касалликларни олдини олишда зарарсизлантириш хонасида фаолият юритаётган ҳамшираларнинг билим ва малакасини ошириш даврнинг муҳим талабларидан бирига айланмоқда. Шунинг учун санитария ва эпидемиологик қоида ва меъёриларига риоя қилган ҳолда ишлаш учун барча йўналишлар дастурига “Зарарсизлантиришда замонавий усуллар ва техника хавфсизлиги”



да фаолиятлар қандай йўлга қўйилган?


– Ҳақиқатан ҳам ҳар бир соҳада кадрларга бўлган эҳтиёж охиб бормоқда. Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади. Фаолиятни асосий мезонини қимлар белгилаб беради, албатта, малакали кадрлар. Шундай экан, айна пайтда соғ'лиқни сақлаш тизимида ўрта тиббиёт ва фармацевтика хо-

чи олимлар ҳамда мутахассислар, шунингдек, тажрибали ўқитувчилар томонидан мавжуд дастурлар қиёсий таҳлил қилинди ва оптималлаштирилди. Барча йўналишлар учун намунавий ўқув режа ва намунавий ўқув дастурлари ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда тахлилий жиҳатдан кўриб чиқилиб, тегишли ўзгаришлар киритилиб, 2017-

лекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги “Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида”ги Қароридан мактабгача таълим муассасаларидаги ўрта тиббиёт ходимларининг малака оширишига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур қарор ижро-

жарадиган асосий ҳаракатлар алгоритми тўғрисида кўникмалар бериб борилади. Фуқаролар мурожаатларини тўғри қабул қилиш, бемор муаммоларини аниқлаш ва тез тиббий ёрдам кўрсатишни тўғри ташкил этишни ва телефон орқали маслаҳатлар бериб, бемор аҳолини баҳолаб туриш шу билан бирга оилавий поликлинника ва КВЛлар билан

фани киритилди. Бундан ташқари бир неча йиллардан буюн ўқитиш йўлга қўйилган “Зарарсизлантириш ҳамшираси” йўналиши бўйича малака ошириш ва ихтисослаштириш ўқув дастури қайта ишлаб чиқилди. Мутахассислик бўйича стерилизация хоналарига қўйилаётган талаблар ва санитар меъёрий ҳужжатлар, техника хавфсизлиги, зарарсиз-



димларининг билим ва малакасига бўлган талаб охиб бормоқда. Айна пайтда таълим муассасамизда малака ошириш 30 йўналишда олиб борилади. Жумладан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларга патронаж зиматини кўрсатиш, хавфсиз иммунизация, ДПМларда акушерлик ва гинекологик ёрдам кўрсатиш, педиатрия, неонатология, фтизиатрия, юқумли касалликлар, психоневрология ва наркология, терапия, тиббий меҳнат экспертиза, стоматология, дерматовенерология ва косметология, хирургия, анестезиология ва реанимация, нур терапияси, гематология ва гемотрансфузиология, тиббий реабилитация ва спорт тиббиёти йўналишларида ҳамширалик иши, шунингдек, лаборатория, карантин ва ўта хавfli касалликлар, суд тиббиёт экспертиза, стерилизация, тиббий статистика, компьютер технология, фармацевтика иқтисоди, тез тиббий ёрдам хизматини ташкил этиш, шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш, мактабгача таълим ва таълим муассасалари ҳамшираси қабиладан иборат. Марказимиз ва унинг худудий бўлинмаларидаги таълим жараёни замон

2018 ўқув йилидан янгиланган ўқув режа ва дастурлар асосида таълим жараёни йўлга қўйилди. Шу билан бирга, янги дастурларда ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари касбий малакаларини ошириш учун шакллантириш зарур бўлган компетенциялар билан бир қаторда мавзулар бўйича соатлар тақсими ҳам ўз аксини топган. Дастурга киритилган ҳар бир маълумот йўналишлар бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратишга асос бўлади. Бунинг баробарида янги бешта йўналишга оид малака ошириш бўйича тингловчиларни ўқитиш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, малака оширишнинг ҳар бир йўналишига инфекция нозират ва стерилизация дарслари киритилди.

– Марказ фаолияти билан танишар эканмиз, малака оширишдаги мавжуд йўналишларга янги, яъни мактабгача таълим ва таълим муассасалари ҳамшираси, тез тиббий ҳамда шошилинч ёрдамни кўрсатиш мутахассисларини ўқитиш режаси киритилди. Бу борада Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳам қабул қилинди. Улар ижросини таъминлаш

сони таъминлаш мақсадида 2017 йилдан марказимиз ва унинг худудий бўлинмаларида “Мактабгача таълим ва таълим муассасалари ҳамшираси” йўналишида малака ошириш жараёни бошланди. Ушбу йўналиш бўйича намунавий ўқув дастурида ижтимоий-гуманитар ва умумқасбий фанлардан ташқари мактабгача таълим ва таълим муассасалари ҳамшираси томонидан меъёрий ҳужжатларнинг юритилиш тартиби, вазифаси, тиббий кўрикларни ташкил этиш, ўқатиш, болаларда антропометрик кўрсаткичларни аниқлаш, эмлаш календари, тўғри овқатланишнинг тиббий асослари, болаларга таомна тузиш қоидалари, парhez столлари ва уларнинг аҳамияти бўйича чуқур билим берилади. Шунингдек, таом таркиби, ундаги озуквий моддалар, уларнинг биологик қиймати, озик-овқат маҳсулотларини сақлашга қўйилаётган талаблар, биологик ва энергетик қиймати, таом тайёрлаш ва истеъмол қилишда санитария-гигиена талаблари, шифобахш ичимликлар, уларни тавсия этиш, факулда ҳолатларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича таълим бериш назарда тутилган. Айна пайтда Тошкент шаҳри

ҳамкорликда иш олиб бориш, терминал ҳолатлар, юрак-ўпка реакцияси ҳамда юрак қон-томир касалликларидан кузатиладиган ўлимни олдини олиш ва камайтириш каби муҳим дарс соатлари олиб борилмоқда. Шу ўринда айтиш керакки, тингловчилар назарий билимларини янада мустаҳкамлаш билан бирга тегишли тиббиёт муассасаларидаги фаолиятлар билан таништириб амалий билимларини бойитиб борадилар.

– Ўзбекистон Республикаси Соғ'лиқни сақлаш вазирлигида 2018 йилнинг 5 февралда ўтказилган видеоселекторда “Шифохона ичи инфекция-

лантиришнинг замонавий ва сифатини текшириш усуллари, антибиотиклар ишлаш техникаси, тартиби, фойдаланишнинг умумий қоидаси ҳамда техника хавфсизлиги, шу билан бирга зарарсизлантириш хонасида юритилмайдиган ҳужжатлар, даволаш-профилактика муассасаларида дезинфекция ва стерилизация қилиш тадбирларини ташкил этиш каби масалалар бугунги кун талабига мослаштирилди.

Ушбу ўқув дастурлари Республика давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг мутахассислари ҳамкорлигида тайёрланди.

Хулоса ўрнида айтганда, марказда таълим жараёнига замонавий талаблар асосида ёндашилмоқда. Жумладан, марказ ва унинг бўлинмаларида ҳужжат қабул қилишлар онлайн тарзда олиб борилмоқда. Шунингдек, кутубхона, компьютерлаштирилган ахборот-технология хоналари, айниқса, онлайн тарзда тест топшириш тизими жорий қилинганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Шунингдек, тингловчилар учун ажратилган турар жойда яратилган шароит ва имкониятлар ҳам бундан мустасно эмас. Таълим дароҳи ходимларининг малакаси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги педагог-кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида ошириб борилаётганлиги мазкур фаолиятларнинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Суҳбатдош Ибодат СОАТОВА.
Суратлар муаллифи Ақром АБДУЛЛАЕВ.

Видеоконференция

ҚАНДСИЗ ДИАБЕТНИ ДАВОЛАШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

ЭЪТИБОР БЕРИНГ

2017 йилда Марказимиз олимлари жойлардаги 200 дан кўп чикиши доирасида умумий амалиёт шифокорлари, лаборатория ходимлари, ҳамширалар, эндокринолог ва бошқа тор соҳа мутахассислари учун семинар-тренинг, маҳорат дарслари ўтказишди. Шу билан бирга, амбулатор шaroитда 12 минг 665 нафар, стационар шaroитда 884 нафар, 110 нафарга яқин кекса ва ногирон беморларга уй шaroитида тиббий кўрик амалга оширилди. Шаҳар ва туманлардаги қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғини, таълим муассасаларида 10 минг 244 нафардан зиёд аҳолига эндокрин касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича маъруза ҳамда давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Бундан ташқари, Марказ мутахассисларидан ташкил толган "Қалқонсимон без жарроҳлиги" ва "Қандли диабет йирингли асоратлари жарроҳлиги" гуруҳлари аъзолари жойларга чиқиб, эндокрин-жарроҳчи маслаҳатига муҳтож беморларни кўриқдан ўтказди, 125 нафар беморда жарроҳлик амалиёти ўтказилиши баробарида маҳаллий соҳа ходимлари учун маҳорат дарслари ташкил қилинди. Худудлардан Марказга юборилган 1 минг 427 нафар беморда ихтисослаштирилган юқори технологик операциялар бажарилди.



кечаётгани борасида сўз юртиди. Бу ўзгаришлар соғлиқни сақлаш тизими фаолияти ривожига ҳам яққол намоён бўлаётганини эътироф этди. Маърузачи 2017 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида Президен-

тимиз Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари иштирокида бир неча бор йиғилиш ўтказганлиги соҳани комплекс ривожлантиришга қаратилган 30 дан зиёд фармон ва қарорлари қабул қилинганлиги



Феруза ХАЙДАРОВА,
Республика ихтисослаштирилган эндокринология
илмий-амалий тиббиёт маркази директор ўринбосари,
Республика бош эндокринологи:

– Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлари асосида тиббиётимиз янги босқичга кўратилди. Худудларда шифо маканлари қайта реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Вилоятларда Республика миқёсидаги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг филиаллари ташкил этилмоқда, мутахассислар худудларга бориб, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш баробарида маҳаллий соҳа ходимлари билан ўзаро тажриба алмашишмоқда. Хусусан, 2017 йилда Марказимиз олимлари жойлардаги 200 дан кўп чикиши доирасида умумий амалиёт шифокорлари, лаборатория ходимлари, ҳамширалар, эндокринолог ва бошқа тор соҳа мутахассислари учун семинар-тренинг, маҳорат дарслари ўтказишди. Шу билан бирга, амбулатор шaroитда 12 минг 665 нафар, стационар шaroитда 884 нафар, 110 нафарга яқин кекса ва ногирон беморларга уй шaroитида тиббий кўрик амалга оширилди. Шаҳар ва туманлардаги қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғини, таълим муассасаларида 10 минг 244 нафардан зиёд аҳолига эндокрин касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича маъруза ҳамда давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Бундан ташқари, Марказ мутахассисларидан ташкил толган "Қалқонсимон без жарроҳлиги" ва "Қандли диабет йирингли асоратлари жарроҳлиги" гуруҳлари аъзолари жойларга чиқиб, эндокрин-жарроҳчи маслаҳатига муҳтож беморларни кўриқдан ўтказди, 125 нафар беморда жарроҳлик амалиёти ўтказилиши баробарида маҳаллий соҳа ходимлари учун маҳорат дарслари ташкил қилинди. Худудлардан Марказга юборилган 1 минг 427 нафар беморда ихтисослаштирилган юқори технологик операциялар бажарилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси асосида тузилган фонд доирасида ёш мутахассислар малакасини ошириш мақсадида хорижий мамлакатларга юборилмоқда. Айтиш жоизки, муассасамизда дунёнинг етакчи клиникларида фаолият юритаётган соҳа олимлари, профессорлари иштирокида ҳар ойда маҳорат дарслари, семинар-тренинг ва конференциялар ўтказиб келинмоқда. Бугунги учрашув ҳам шулар жумласидандир. Унда видеоконференция орқали вилоятларнинг эндокринологлари соҳанинг долзарб йўналишлари бўйича маърузалар қилинди. Бу айниқса, бирламчи бўғинда ишлайётган мутахассисларга ёрдам беради. Жумладан, нейроэндокрин ва остеоопороз касалликларини даволашда замонавий ёндашувлар борасидаги билимларини бойитида. Жорий йилда муассасамизнинг 45 нафар мутахассиси хорижий давлатларда малакасини ошириш учун ўқишга юборилиши кўзда тутилган. Хабарингиз бор, Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Ражаб Тоййиб Эрдоғунинг таклифига биноан 2017 йил 25-26 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Туркияда бўлди. Унда бошқа тизимлар қаторида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир ҳужжати қабул қилинган эди. Шудан сўнг, Марказимиз Туркиянинг ТИКА ташкилоти билан меморандумни имзолади. Унга кўра, турли йўналишдаги ёш мутахассис, шу ўринда эндокринологларнинг Туркиядаги етакчи клиникларда малакасини ошириш учун юбориш режалаштирилган. Бунда энг аввало, бирламчи тизимда фаолият юритаётган 16 нафар шифокор билим-кўникмасини бойитиш мақсадида бориши режага кирилган. Умуман олганда, бундай ислохотлар, аввало, халқ манфаати ҳар нарсадан устунлиги, қолаверса, аҳолига тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишга хизмат қилмоқда, десам муболаға бўлмайди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Людмила РОЖИНСКАЯ,
Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
«Эндокринология илмий маркази» нейроэндокринология
ва остеоопатия бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари
доктори, профессор:

– 1976 йилдан буён тиббиёт ходими, хусусан, эндокринолог бўлиб фаолият юритаман. Шу вақт оралиғида 400 га яқин илмий мақола, жумладан, 8 та монография, бемор ва шифокорлар учун тавсиялар тайёрладим. "Эндокрин тизими касалликларида остеоопеник синдром ва постменопазал остеоопороз (патогенетик жиҳатлар, диагностика ва даволаш)" мавзусида докторлик диссертацияси ёқлаб, ҳозирги вақтда фосфор-кальций метаболизми ва суяк метаболизми физиологияси, хусусан, бошланғич ва секиндек хиперпаратиродизм, кўплаб эндокрин ўсмаларни ўрганишни давом эттирмоқдаман. Бунинг баробарида, қандсиз диабетни даволашда замонавий усуллари жорий қилиш тўғрисида ҳам илмий иш олиб бормоқдаман. Айтиш жоизки, кўпчилик қандли диабет билан қандсизининг фарқи бормаслиги мумкин. Нефроген қандсиз диабет (буйрак шакли) – қандсиз диабетнинг бир тури ҳисобланиб, унда вазопрессин ишлаб чиқарилаверди, лекин у бирикши керак бўлган буйраклардаги рецепторлар сезувчанлиги пасаяди. Натижада организмдан суюқлик кўп чиқа кета бошлайди (яъни пешобга чиқиш тезлашади) ва инсон танаси сувсизланади. Болаларда диабетнинг бу тури наслий мойиллик сабаб юзага келади. Катта ёшли беморларда эса орттирилган хасталик саналади. Бунга асосан буйрак хасталикларига сабаб бўлиши мумкин. Қонда кальций миқдорининг ошиши (гиперкальцемия) ва кальцийнинг камайиши (гипокальцемия) ҳам қандсиз диабет буйрак шакли ривожланишига олиб келувчи омиллар ҳисобланади. Таъкидлаш муҳимики, касаллик илдири даволанмагунга қадар, унинг асорати сифатида юзага келган қандсиз диабетни тўхтатиш амримаҳол. Дори-дармонларни қабул қилиш билан бирга таркибида туз ва оксил моддалари кам бўлган озиқ-овқатлардан ташкил толган парҳез тутиш зарур. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу бутун дунёда тиббиёт, хусусан, эндокринологиянинг глобал муаммосига айланиб бормоқда. Уни даволашда янги ёндашув, замонавий усуллари татбиқ этиш давр талабидир. Шу боис, мен ҳам мазкур конференцияда ўз тажрибам билан ўртоқлашиш мақсадида мамлакатингиздаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказига илк маротаба келдим. Утаётган маҳорат дарси ўзбек ҳамкасбларининг фаолиятида асқотади, деган умиддаман. Аҳамиятисини, мазкур семинар видеоमुлоқот шаклида вилоятлардаги шифокорларга ҳам тўғридан-тўғри онлайн тарзда етказилди ва соҳага доир баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Қувонарлики, шифокорларнинг ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб, улар ҳар бир мавзуга катта қизиқиш билдирилди. Ҳамкорликдаги бундай фаолиятимиз бардавомлиги, ўзининг ижобий самарасини беради, десам хато қилмаган бўламан.



замон талабларига монанд фаолият юритишга асос бўлаётганини таъкидлади. Шу билан бирга, тизимдаги ислохотлар жараёнида аҳолига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, жаҳон тиббиёти ва илм-фанининг ютуқларини мам-



лакатимизга кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор берилётгани, бу борадаги ишлар эндокринология соҳаси ривожига ҳам муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади. Бугунги кунда аҳолига эндокринология ёрдамини кўрсатиш бўйича ўзига хос инфратузилма шакллантирилгани, бу йўналишда вилоятларда 14 та эндокринология диспансери, туман ва шаҳарларда 471 та эндокринология хонаси, шулардан 159 тасида болаларга эндокринология хизмати кўрсатилаётганини маълум қилди. Шунингдек, 2012 йилдан буён қандсиз диабет билан касалланган беморларнинг миллий регистри юритилаётгани, бунинг натижасида беморларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг янада оширилишига эришилаётганини билдирди. Бундан ташқари, эндокринология диспансерларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш борасида ҳам иш олиб борилаётгани борасида гапириб, 2017 йил давомида вилоятлардаги барча эндокринология диспансерлари ИФА ана-

лизаторлари билан жиҳозланганини маълум қилди. Бунинг баробарида, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида ҳам дунё андозаларига хос, инновацион, янги, юқори сезгирликдаги диагностика – хемилуминесцент усули йўлга қўйилгани, бу эса нафақат гормонлар, балки онкомаркёрларни ҳам аниқлаш имконини яратибгина қолмай, текширув вақтининг ҳам қисқаришини таъминлаш юзасидан фикр билдириб, ушбу усул соатига юзта текширувни амалга ошириш имконига эга эканини айтиб ўтди. Қолаверса, марказда нейрохирургия соҳасига ҳам янги технологиялар жорий этилаётгани, айна пайтда бундай илмий-амалий лойиҳалар изчиллик билан давом эттирилаётганини гапириб, Марказ олимлари жорий йилда 5 та илмий-амалий, 1 та фундаментал ва 1 нафар ёш олим илмий грантлари доирасида эндокринологиянинг долзарб масалаларига оид тадқиқотларни олиб бораётганини билдирди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бу каби халқаро илмий-амалий конференциялар мамлакатимизда эндокринология хизматини янада такомиллаштириш, айниқса, қандсиз диабетни ташхислаш ва даволашда инновацион ёндашувни таъминлаш, янги гога ва технологияларни қўллашга кўмак беради. Zero, соғлиқни сақлаш соҳасининг ривожланишида дунё тажрибаларини ўрганиш, аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишда замонавий усуллари татбиқ давр талабидир.

Хамкорлик

БИРЛАМЧИ ТИЗИМДА КАРДИОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ

Сўнгги 5 йилликда рентгенэндоваскуляр жаррохлик бўлимига асос солиниб, замонавий ангиографик ускунаси билан таъминланди. Ҳозирги кунда коронара ангиография – юрак тожсимон артерияларининг торайган қисмларини аниқлаш, уларга стент (найча) ўрнатиш каби мураккаб усуллар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Таъкидлаш муҳими, марказда йилга минг нафардан ортиқ беморда ушбу даволаш амалиёти қўлланилди. Натижанда юрак қон-томир касалликларининг энг оғир тури – миокард инфарктининг олди олинмоқда.

Бунинг баробарида, муассаса ходимлари томонидан аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Жорий йилнинг 19 февраль кунини "Тиббиётнинг бирламчи бўлимида юрак қон-томир касалликларини эрта аниқлаш, диагностика ва даволашнинг муаммолари. Патронаж ҳамшира ва умумий амалиёт шифокорларининг вазифалари" деб номланган анжуманда айтиш сўз мавзусида батафсил сўз юритилди.

Тадбирда Россия Фанлар Академияси академиги Ирина Чазова бошчилигидаги россиялик

логика соҳасини жаҳон андозаларига мос равишда юксалтиришга, юрак қон-томир хасталикларини туфайли юз бериши мумкин бўлган ноҳуш вазиятларнинг олдини олишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар ижроси энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Таъкидлаш муҳими, ҳозирги вақтда юқори технологик жаррохлик амалиётлари бажарилмоқда. Хусусан, Наманган вилоят кардиология маркази, Фарғона вилояти кўптармоқли тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалиёт тиббиёт маркази Урганч филиали ва Қорақалпоғистон Республикаси кардиология диспансерида, Самарқанд, Бухоро, Наманган вилоятларида коронарография ва стентлаш амалиёти йўлга қўйилди. Истиқболда Қашқадарё ва Андижон вилоятларида ҳам бундай усулни йўлга қўйиш режалаштирилган. Бундан ташқари, муассасамизда ташкил этилган Юракнинг мураккаб аритмияларини электрофизиологик усулда диагностика ва даволаш бўлимида 2008 йилдан бошлаб яна бир юқори технологик – радиочастотали абляция ва юрак блокадаларида электрокардиостимуляция усуллари амалга оширил-

соҳасига қаратаётган эътиборларни туфайли Марказда уч қаватли жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган кардиожаррохлик биноси қуриб битказилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Унда рентгенэндоваскуляр жаррохлик ва электрфизиологик усулда даволаш бўлими ўтказилиб, беморларни қабул қилиш сони оширилади, кўшимча янги ангиограф ва ЭФИ ускунаси ўрнатилди. Бу ўз навбатида кўрсатилган замонавий даволаш усуллари кўламини ошириш имконини беради. Бунинг баробарида, ҳорижий мамлакатларда хизмат қилаётган маҳаллий кадрларни мамлакатимизга қайтариш бўйича ҳам муайян ишлар амалга ошириляпти. Ҳозирги кунда Бакулев номидаги Россия юрак қон-томир хирургияси марказидан тиббиёт фанлари докторлари Б. Амиркулов, Р. Ярбеков, Мешалкин номидаги Новосибирск кардиология марказидан тиббиёт фанлари номзоди А. Якубов Ўзбекистонга таклиф қилиниб, ҳозирда улар муассасамизда ўз фаолиятини давом эттиришмоқда. Шунингдек, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касаллик келтириб чиқарувчи хавф омилларини ка-

қали аниқлаш ва мониторингини олиб боришга қаратилган буйруқлари шулар жумласидандир. Аҳоли ўртасида касалликларни ташхислаш ва диспансер назоратига олиш, самарали даволаш учун Давлатимиз томонидан тиббиётнинг бирламчи бўлимига эътибор кучайтирилди. Шу мақсадда қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ оилавий поликлиникалари, оилавий поликлиникалари фаолияти тубдан ислоҳ қилинди. Ўз навбатида бу юрак қон-томир хасталикларини эрта аниқлаш, профилактика чораларини қўришда муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди, **Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалиёт тиббиёт маркази директори, академик Равшан Қурбонов.**

– Маълумки, гипертония – асосан юрак қон-томир системаси патологияси, артериал босимнинг барқарор ва авж олиши, кейин эса орган-морфологик ўзгаришлар билан кечадиган мураккаб бирламчи функционал нерв касаллиги ҳисобланади. Эътиборли жиҳати, у дунё миқёсида тобора "ёшариб" бормоқда. Демак, замонавий тиббиётда долзарб масалалардан бири, десак хато қилмаган бўлаемиз. Гипертония миокард

инфаркти, инсультлар, юрак хуружлари, юрак ва буйрак етишмовчилиги каби асоратларга олиб келиши мумкин. Шу ўринда айтиш керакки, юрак қон-томир касалликларини эрта аниқлаш ва тўғри ташхислашда, айниқса, бирламчи бўлимида фаолият юрилтаётган мутахассислар ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, мазкур ўтказилаётган тадбир улар учун жуда муҳим. Ушбу Евроосиё кардиологлар ассоциацияси раиси бўлиб, билдимки, ўзбекистонлик ҳамкасбларим ўтган вақт мобайнида кардиология ва кардиохирургия соҳасида эътибор этса арзишгулик ижобий натижаларни қўлга киритган. Бу эса мамлакатингиз тиббиётининг янги босқичга кўтарилганидан дарак беради. Бугунги анжуман эса юрак қон-томир касалликларини даволашда янги ёндашувларни ўзлаштириш борасида фикр алмашиш ва халқаро тажрибаларни муҳокама қилишга замин яратиб берди. Ўйлайманки, бу каби ҳамкорлигимиз бардавом бўлади, – дейди **Евроосиё кардиологлар ассоциацияси раиси, академик Ирина Чазова.**



бир гуруҳ олимлар иштирок этиб, мамлакатимиз тиббиёти ривожини, кардиология, юрак қон-томир касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олишда замонавий усулларни жорий қилиш бўйича ўзаро фикрлашдилар. 500 нафар маҳаллий кардиолог шифокор қатнашган мазкур Евроосиё кардиологлар мактабида академик И. Чазова, профессорлар Р. Шахнович, И. Сергиенко, кардиология, айниқса, юрак қон-томир касалликларида энг кўп учрайдиган артериал гипертония ва юрак ишемик хасталиги профилактикаси, даволаш ва диагностикасида бирламчи бўлин шифокорларининг ўрни турғисида россиялик олимларнинг қўлга киритган ютуқлари борасида илмий маърузалар қилинди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий изланиш ва ютуқлар хусусида академик Р. Қурбонов, профессорлар Т. Абдуллаев, А. Шек, Р. Мамутов, Г. Ҳамидуллаева сингари олимлар томонидан тақдиротлар ўтказилди.

– Бугунги кунда мамлакатимизда тиббиётни янада ривожлантириш, жумладан, кардио-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳамидулла ТОШПҮЛАТОВ, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалиёт тиббиёт маркази бўлим раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди:

– Ҳозирги кунда бутун дунё миқёсида юрак қон-томир касалликларининг ўсиш тенденциялари кузатилаётган. Нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунё мамлакатларида ушбу хасталик билан касалланиш ва унинг оқибатида кузатиладиган ўлим кўрсаткичлари ортиб бормоқда. Шу боис, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан тиббиётга катта эътибор қаратилиб, соҳанинг бирламчи бўлимида бошлаб Республика ихтисослаштирилган марказларга бўлган тизимда ислохотлар қайта кўриб чиқилди. Хусусан, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, шифо масканларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиши ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга қаратилган тадбирлар амалга ошириляпти. Шифокорларнинг малакасини ошириш, пойтахтда бажарилаётган юқори технологик амалиётини вилоят миқёсида ҳам йўлга қўйиш, чекка туманларда эса ихтисослашган ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Олиб борилаётган ислохотлар натижасида 9 та вилоят марказида юқори технологик ангиограф ускунаси ўрнатилиб, уларда коронарография ва стентлаш амалиёти жорий қилинди. Ўз навбатида замонавий тиббий анжомларда ишлаш учун мутахассислардан юқори малака талаб этилади. Бу борада ҳам зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Мазкур конференцияда касалликларни эрта аниқлаш учун унинг профилактикасига эътибор қаратиш кераклиги, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни янада кучайтириш, спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари истеъмолини тақиқлаш, парҳезга амал қилиш, жисмоний фаол бўлиш кабиларга янада эътибор қаратилди. Евроосиё кардиологлар ассоциацияси раиси Ирина Чазова бошчилигидаги Россия делегацияси келгани ўзаро таъриб алмашишимиз баробарида Ўзбекистоннинг Евроосиё кардиологлар ассоциациясига аъзо бўлиб, ҳамкорликда фаолият олиб бориш учун меморандум имзолангани ишларимизни янги босқичга олиб чиқишига ишончим комил. Бугунги кунда аҳоли орасида кўп учраётган артериал гипертония, юрак ишемик касаллиги, уларнинг олдини олиш, профилактикаси, даволаш стандартларига амал қилиш юзасидан маърузалар тингланиб, 500 дан ортиқ кардиолог шифокорлар амалиётини асқотди, десам муболаға бўлмади. Ҳозирги кунда туман тиббиёт бирлашмаларида алоҳида кардиология бўлимлари ташкил этилмоқда. Уларда юрак қон-томир касалликларини даволаш учун шарт қилиб белгилаб қўйилган асосий 5 та асбоб-ускуна "Саломатлик-3" лойиҳаси томонидан таъминланмоқда. Бу эса чекка ҳудудларда ҳам аҳолига тўлақонли ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда. Марказда малакали кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Айтиш жоизки, муассасамизда ташкил этилган клиник ординатура курсларида ҳар йили 25 нафардан ортиқ кардиолог тайёрланади. Охириги ўн йилликда 300 нафардан ортиқ кардиолог етишиб чиқиб, ҳозирда улар турли даволаш муассасаларида хизмат қилишмоқда. Кардиология соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, замонавий, юқори технологик даволаш ва диагностика усулларини Республикаимиз ҳудудларига, тиббиётнинг қуйи бўлиmlарига татбиқ этиш мақсадида марказнинг етакчи олимлари томонидан маҳорат дарслари олиб борилмақда.



майтириши, бошлангич даврида аниқлаб, даволаш тадбирларини ўтказиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қатор буйруқлари қабул қилинди. Ўтқир коронар синдром ва ўтқир миокард инфарктини эрта аниқлаш ва тромболитик терапияни амалга ошириш, артериал гипертонияга чалинган беморларни эрта аниқлаш ва скринингини ўтказиш, сурункали юқумсиз касалликларни патронаж хизмати ор-

Дарҳақиқат, соғлиқни сақлаш, хусусан, кардиология соҳасида олиб борилаётган ишларнинг кўламини кенг. Аҳолининг соғлом турмуш тарзига риоя қилиб, ўз саломатлигини муҳофаза қилишда бундай мактаблар муҳим роль ўйнайди. Қолаверса, муассасанинг халқаро етакчи клиникалар билан ҳамкорликда олиб бораётган фаолиятлари, илмий изланишлари натижаси ўлароқ юқори технологик жаррохлик амалиётлари мамлакатимизда бажарилмоқда. Бу эса инсон манфаатлари учун хизмат қилмоқда, десам муболаға бўлмади.

4-5-саҳифа материалларини Жонибек МАЪРУПОВ тайёрлади. Муаллиф олган суратлар.

Устозларга эҳтиром

ИБРАТГА АЙЛАНГАН ҲАЁТ ЙЎЛИ

Тарихдан маълумки, мамлакатимизда ўз даврининг ёрқин намоёнасига айланган етук шахслар кўплаб топилди. Уларнинг юртимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси, салмоқли фаолияти, қолдирган бой мероси, босиб ўтган умр йўллари келажак авлодлар учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Ана шундай инсонлардан бири Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган врач, Ўзбекистон гематологлар ва трансфузиологлар ассоциациясининг раиси, Россия тиббиёт фанлари академияси ҳамда Нью-Йорк фанлар (АҚШ) академиясининг ҳақиқий аъзоси, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти гематология ва трансфузиология кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Саиджалол Бахромовдир.

1938 йилнинг 22 январидан Тошкент вилояти Окқўрғон туманида деҳқон оиласида таваллуд топган Саиджалол Маҳмудович 1962 йилда Тошкент тиббиёт академиясининг (аввалги Тошкент тиббиёт институти) даволаш факультетини муваффақиятли тамомлади. У дастлабки фаолиятини Окқўрғон туманида бошлади. Шу йилларда профессор Т. Нажмиддинов раҳбарлигида ва унинг ходимлари иштирокида талабалар илмий жамияти аъзоси сифатида ўзининг «Корин тифи диагностикаси ва уни даволаш» мавзусидаги биринчи илмий-тадқиқот ишини ёқлашга муваффақ бўлди. Бу билан ундаги тинимсиз изланиш ҳамда илм-фанга бўлган қизиқиш янада мустаҳкамланди. Асосий мақсоди эса клиник гематология соҳасини чуқур ўзлаштириш эди. Шундан сўнг, 1964 йилда танлов асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қўйиш илмий-тектириш институтининг аспирантурасига қабул қилинди. Аспирантураны тамомлаш арафасида "Аутоиммунные процессы при остром лейкозе" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган, турли лавозимларда фаолият юритди. Ҳақиқий йилларида 5 ой мобайнида Қорақалпоғистонда холера эпидемиясини бартарад этишда фаол иштирок этди. С. Бахромов 1969 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш

вазирлиги буйруғи ҳамда Окқўрғон тумани раҳбарияти тақлифига кўра туман марказий шифохонасининг бош шифокор муовини лавозимларига тайинланди. Профессор шу давр мобайнида аҳоли ўртасида кенг тарқалган касалликлар диагностикаси, даволаш усуллари ва профилактикасига қаратилган тадбирларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатди. Хусусан, унинг фаолиятига сифатли иммунизацияни йўлга қўйиш билан болалар ўртасида хавфли касалликлар тарқалиши ва ўлим кўрсаткичини камайтиришга эришилди. Таъкидлаш керакки, малакали мутахасссининг бу борадаги самарали меҳнатлари муносиб рағбатлантирилиб, у 1970 йилда гематология ва қон қўйиш илмий тектириш институти гематология бўлими мудири лавозимига тақлиф қилинди, кўрсатган жонбозликлари эвазига 1972 йилда илмий ишлари бўйича институт директорининг муовини этиб тайинланди. Саиджалол Бахромов ушбу лавозимда 14 йил самарали меҳнат қилди. Бу вақтда унинг раҳбарлигида илк бор камқонлик муаммоси бўйича ишлар олиб борилди. Бунда гемоглобинопатиялар ва эритроцитлар энзимопатиялари муаммоларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, изланишларда республикада бета-талассемия ва фаол эритроцитлар глюкоза-6-фосфатдегидрогеназа (Г-6-ФДГ) аҳоли репрезентатив гуруҳлари ўртасида кенг тарқалганлиги аниқланди. Қолаверса, биринчи бор Ўзбекистонда эритроцитлар Г-6-ФДГ аномал ферментининг 2 та янги тури ажратилди, бу янгилик Халқаро ферментлар классификаторига киритилди. Профессорнинг докторлик диссертацияси ҳам айна шу масалага бағишланди. Шунигингдек, "Гемолитические анемии в Узбекистане" (1986) монографияси чиқарилиб, шогирдлари томонидан қатор номзодлик ишлари ёқланди. Изланувчан олим раҳбарлигида 4 нафар фан док-

тори, 40 нафар фан номзоди тайёрланди, ҳар йили гематологлар ва трансфузиологлар илмий ишлар тўпламлари чоп этилди, юқори савияда съезд, симпозиум ва анжуманлар ташкил этилди.

1982 йилда С. Бахромов Республика Соғлиқни сақлаш илмий-тиббий кенгаши раисининг муовини, 1984 йилда вазир муовини, аввалги Тўртинчи Бош бошқарма бошлиги лавозимларида фаолият юритди. 1985 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири этиб тайинланди. (1985-1991) Бу даврда тиббиёт муассасалари моддий-техник базаси ривожлантирилиб, кадрлар салоҳияти яхшиланди. Мутахасссик даражасини ошириш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Айниса, аҳоли ўртасида хавфли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, янгича даволаш усуллари ҳамда касалликлар профилактикаси бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди. Махсус тиббий хизмат турлари шакллантирилди, жумладан, диагностика ва неонатал марказлар ташкил этилиб, реанимация хизмати такомиллаштирилди. Академик С. Бахромов 1991-1994 йилларда собиқ иттифоқ даврида қайта ташкил этилган Тиббий фанлар Академияси Президиуми раиси, 1994-1997 йиллар Тошкент вакцина ва зардоб илмий-тектириш институти директори ва "Узфармасаноат" ДАК раиси вазифасини бажарувчи лавозимларида ҳам ишлади. Тажрибали мутахассс Саиджалол Маҳмудович 1985 йилдан ҳозирга қадар Тошкент врачлар малакасини ошириш институти гематология ва трансфузиология кафедрасини бошқариб келмоқда. Унинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида шогирдлари томонидан мамлакатимизда худудий хасталиклар ҳисобланувчи, айна пайтгача аниқланмаган темир, мис, металлопротеидлар алмашинуви ва микроэлементозлар аспектилари ўрганилди. Илмий институт ходимлари иштирокида ташкилий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, маҳаллий хом ашёлар ҳисобига вакциналар қайта ишлаб чиқилди. Тўпаланган илмий экспедиция ишлари материаллари асо-



сида шогирдлари иштирокида 3 та докторлик ва 13 та номзодлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилиниб, 2 та докторлик иши ҳимояга тайёрланди, шу қаторда 7 та ихтирога патент олинди. С. Бахромов Ўзбекистон гематологлари ва трансфузиологлари ассоциациясининг ташкилотчиси ва раҳбари, халқаро ва республика журнали тахририяти ва тахририят кенгаши аъзоси ҳисобланади. Республикада биринчи ташкил этилган "Сиҳат-саломатлик" журнали ташкилотчиси ва бош муҳаррири лавозимларида ҳам фаолият юритди. Ҳозирга қадар унинг қаламига мансуб 400 дан ортиқ илмий ишлар чоп этилган, хусусан, шифокорлар учун ўқув қўлланма, монографиялар ҳамда шогирдлари ҳамкорлигида бир қатор китоблари нашр қилинган. Шунигингдек, 50 дан ортиқ мақола ва шеърый тўпламлари чоп қилинган. Айниса, унинг тиббиёт ва фалсафий мавзуларда эълон қилган ҳикматли сўзлар тўплами кенг жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди. Ма-

салан, "Дўстинг борки – сен борсан, агарда дўстинг саҳий бўлса – сен бойсан" каби ҳикматли сўзлари шулар жумласидандир. Академик 1996 йилдан эътиборан Нью-Йорк Фанлар Академиясининг (АҚШ) ҳақиқий аъзоси ҳисобланади. 2000 йилдан халқаро "Ибн Сино (Авиценна) илмий-амалий журналининг бош муҳаррири ўринбосари этиб тайинланган. 2001 йилдан Россия тиббиёт фанлари академиясининг ҳақиқий аъзосидир. Бундан ташқари, 1986 йилда собиқ Республика Олий Совети депутати этиб сайланган. У Халқаро қон қўйиш жамияти (Франция) аъзосидир. Устоз Саиджалол Бахромов кўп йиллик фидокорона меҳнатлари учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач" унвонига сазовор бўлган. Шу билан бирга, "Хурмат белгиси" ордени, Республика Фахрий ёрликлари, 1992 йилда ВДНХ бронза медали ҳамда 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси "Мустақиллик" хурмат белгиси билан тақдирланган.

Таъкидлаш жоизки, инсон бажарган эзгу амаллари, ижобий фазилатлари билан хурмат топади. Устозда эса бу ҳислатларнинг барчаси мужассам. Айтиш керакки, жорий йилда муборак 80 ёшни қарши олган самимий инсон, академик, Саиджалол Бахромов чин маънода тарихга дахлдордир.

Сайдулло РАСУЛОВ,
Самарқанд давлат тиббиёт институти, даволаш факультети педиатрия кафедраси, Самарқанд болалар гастроэнтерологлари ва нутрициологлари жамоат бирлашмаси раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, Турон ФА ҳақиқий аъзоси.

ФАОЛИЯТИДА ШИЖОАТ ВА МЕҲНАТСЕВАРЛИК МУЖАССАМ



Бахт, одатда бу тушунчани яхлит тасаввур қиламиз. Сабаби, унинг касб, вақт ва замонга нисбатан таърифлари ҳар доим ҳам эътироф этилмайди. Бирок, ўз касбининг тўғри танлаган, умри давомида ундан завқ олиб фаолият юритган, соҳа ривожига қўшган ҳиссаси ва қўлга киритган натижалари билан жамият ҳамда замондошлари орасида муносиб қадр топган етук шахслар бахт тушунчасини ўзгача қаршилайди. Жумладан, самимий устоз, профессор Иламан Мухамедов ҳақида ҳам ана шундай дейиш мумкин.

давом эттириб, 1975 йили доцент А. Фолиянц раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Шундан сўнг, 1978 йилдан микробиология, вирусология ва иммунология кафедрасининг доценти, 1990 йилдан бошлаб эса кафедра мудири лавозимида иш олиб борди. Профессор И. Мухамедов талабалик ҳамда иш фаолияти давомида академик устозлари К. Зуфаров, Т. Даминов, У. Арипов, профессор Б. Мағзумов ва К. Нажмиддиновлардан ташкилотчилик ҳамда раҳбарлик санъатини ўзлаштирган. И. Мухамедовчи 1991 йилда Москва шах-

рида докторлик диссертациясини ҳимоя қилганидан бир йил ўтиб, профессор илмий унвонига сазовор бўлди. Унинг раҳбарлигида вирусология ва иммунология кафедрасида меъёрда ва патологик ҳолатларда одам танаси микрофлораси бўйича олиб борилган илмий ишлар жадал ривожланди. Устоз раҳбарлигида 7 та докторлик, 32 та номзодлик диссертацияси ёқланган. Таъкидлаш керакки, И. Мухамедов олиб борган тинимсиз изланишлари натижасида 2000 йилда Россия тиббиёт-техника академиясининг академиги унвонига сазовор

бўлган. Изланувчан олим 2005-2012 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академиясининг микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси мудири лавозимида самарали меҳнат қилди. Айна пайтда эса кафедра профессори бўлиш билан биргалликда тиббиёт олий ўқув юрталари Ректорлар раёсатида микробиология фани бўйича номотематик Ҳайъат раиси, ОАК аъзоси, Давлат тест марказида дипломларни ностерификация қилиш комиссияси раиси лавозимида фидоийларча фаолият юритиб келмоқда. И. Мухамедов ўз соҳасининг билимдони сифатида республикамизда микробиология илмий мактабини яратган олимдир. Унинг шогирдлари республикамизнинг турли вилоятларида тиббиёт ва илм равнақиға самарали ҳисса қўшмоқда. Олимнинг илмий ютуқлари 300 дан ортиқ мақола, 11 та дарслик, 20 та ўқув қўлланмаси ва бир қатор илмий-амалий фаолиятида ўз аксини топган.

Ҳозирда ҳам устоз ижодий куч билан илмий гоғлар ва янги кашфиётлар устида изланиб келмоқда. Шу боси, дўстлари ва шогирдлари бу инсон ҳақида сўз юритганда зиёли, гайратли, меҳнатсевар, интизомли, талабчан ҳамда оилапарвар деган сифатларни қўшиб гапиришди. Фарзандлари Қаҳрамон ва Баҳромжонлар шифокорлик касбини танлашган. Неवारалари – Алишер, Шахло, Комилжон, Бекзод, Отабек ҳамда Мухаммадилор эса устоз хонадонининг қувончидир. Ана шундай бахт соҳибни, меҳрибон устоз, профессор Иламан Мухамедовни жамоа ва биз шогирдлари кутлуг 75 ёш билан муборакбод этиб, ёш тиббиёт ходимларини тайёрлашдаги шарафли меҳнати бардавом бўлишини тилаб қоламиз.

Шоҳирур МИРЗАЕВ,
Тошкент давлат стоматология институти тахририй нашриёт бўлими ходими.

Анжуман

ФАОЛИЯТЛАР ТАҲЛИЛИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Яқинда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Республика товар хом-ашё биржаси, Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда 2018 йил 13 февраль куни "Оммавий ахборот воситалари халқнинг энг яқин кўмакчиси ва демократия кўзгуси" мавзусида конференция бўлиб ўтди.



Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямизнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси ва Парламентга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши – Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан журналистика соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида сўз юритилди.

Тадбирни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С. Ҳакимов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда маданий-гуманитар соҳаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганига уру берди. Шу билан бирга, ўтган йили

маданият, адабиёт ва санъат, ОАВга тааллуқли 12 та муҳим ҳужжат қабул қилингани, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 августдаги "Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида", 2017 йил 10 августдаги "Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2017 йил 15 августдаги "Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари миллий медиа муҳитида чин маънода катта воқеа бўлганини эътироф этди. Бунинг баробарида, Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган маданият ва санъат муассасалари ҳамда йирик компания, банклар ҳамкорлигидаги "Дўстлар

клуби" ижодий тузилмалар, жумладан, Уюшма фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим омили бўлаётгани, бу борадаги ҳамкор Республика товар-хом ашё биржаси билан ўзаро келишув битими имзоланганини таъкидлади. Шунингдек, журналистлар малакасини ошириш, соҳа фахрийлари ва эҳтиёжманд ходимларга ёрдам кўрсатиш, ёш кадрларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илк китобларини чоп этишга кўмаклашиш ҳамда бошқа қатор чора-тадбирлар бажарилгани режалаштирилганини айтиб, шу вақтга қадар биржа хомийлигида 50 нафар кекса ва эҳтиёжманд журналист ҳолидан хабар олинди, уларга совға-саломлар улашилгани ҳамда икки нафар фахрий саломатлиги тикланиб, 100 нафар фахрий "Хуррият" газетасига хомийлик асосида обуна қилинганини маълум қилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги ННТ ва Фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг раиси А. Саидов сўзга чиқиб, Юртовчимиз томонидан ҳар бир соҳа қаторида миллий журналистикамизни янада такомиллаштириш бўйича олиб бораётган сайёҳаракатлари, қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар борасида батафсил тўхтади. Шу билан бирга, Президентимиз ташаббуслари билан ташкил этилаётган Журналистика ва оммавий коммуникация воситалари университети маҳаллий малакали кадрлар, халқаро журналистикани кўпайтиришга ёрдам беришини таъкидлади.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 3 август куни ижодкорлар билан учрашувда айтганидек, ташкилотимиз

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси билан "Дўстлар клуби"ни тузди. Шу асосида уюшманинг ҳудудий бўлимлари моддий-техник аҳолини яхшилаш, зарурий жиҳоз ва компьютер технологиялари билан таъминлаш кўзда тутилган. Бунинг баробарида, Уюшманинг Фарғона вилояти бўлими ташаббуси билан "Чимён" сийхатгоҳида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият олиб борувчи 110 нафар журналист иштирокида ўтган "Ҳаракатлар стратегияси: ислохотлар жараёни ва ОАВ" медиалагери ҳамкорлигининг яна бир мисолидир. Уйламанки, бундай эзгу фаолиятлар бардавом бўлади. – **дейди Республика Товар-хом ашё биржаси раиси А. Нагаев.**

Лазиз ТАНГРИЕВ,
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори:

– Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 11 августдаги "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқаруви янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2017 йил 17 августдаги "Матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори имзолангани соҳада тўпланиб колган муаммо ва камчиликларни бартараф этишда дастуриламал бўлмоқда. Ҳозирги кунда юртимизда 1 минг 500 дан зиёд ОАВ фаолият кўрсатаётгани, янги ташкил этилган "O'zbekiston-24" телеканали ҳам миллий ахборот маконида ўз муносиб ўрнини то-

пиб бораётгани, "Uz" доменли веб-сайтлар, ахборот порталлари сони 400 дан ошганини алоҳида таъкидлаш зарур. Лекин эришилган ютуқлар қаторида камчиликлар ҳам учраб турмоқда. Жумладан, айрим матбуот нашрлари фуқароларнинг маънавий оламини юксалтириш, юз бераётган воқеа-ҳодисаларни тўғри таҳлил қила олиш ва ҳолисона хулоса чиқариш кўникмаларини шакллантиришда ҳар доим ҳам фоллик кўрсата олмапти. Масалан, хабар тарқатишда матбуот нашрлари интернет сайтлари ёки телевидениядан ортда қолиши мумкин, аммо уни атрофлича таҳлил қилиб ўқувчига ҳолисона етказиш мумкинлигига бугун баъзи бир Бош муҳаррир ва журналистлар жиддий ёндашмаптилар. Шунингдек, ҳудудий нашрлар, туман газеталарида кадрларга бўлган эҳтиёж, уларнинг малакаси етишмаётганини таъкидлаш зарур, деб биланам. Агентлик томонидан бу борада тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Конференцияда ОАВ олдида турган вазифалар кенг муҳокама қилинди. Шунингдек, Республика товар-хом ашё биржаси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ўртасида ташкил этилган "Дўстлар клуби"нинг "Дўст билан обод уйинг" веб-сайти тақдими бўлиб ўтди. Ҳарбий ва танпарварлик мавзусида фол ижод қилиб келаётган журналистлар тақдирланди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳамкорликда йўлга қўйилган бу каби фаолиятлар соҳадаги амалга оширилиши лозим бўлган ишлар янада такомиллаштирилиши, янги гоғялар, инновацион технологиялар жорий қилинишига хизмат қилади.

Жонибек МАЪРУПОВ.
Сурат муаллифи Ақром АБДУЛЛАЕВ.

Объявление

Объявление для принятия на вакантную
должность Министерства здравоохранения
Республики Узбекистан

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан осуществляет реализацию проекта "Оснащение лабораторным оборудованием центров Госсанэпиднадзора Республики Узбекистан", финансируемого Исламским банком развития (ИБР). В рамках проекта центры Госсанэпиднадзора по всей республике будут оснащаться современным лабораторным оборудованием, а также будут проводиться соответствующие тренинги сотрудников центров. Для достижения целей проекта, Министерство здравоохранения приглашает работников для прохождения открытого отбора на следующую вакантную должность:

Специалист по закупкам

Должностные обязанности: под руководством руководителя Объединенной группы реализации проектов (ОГРП), специалист по закупкам должен обеспечивать координацию действий по закупкам в рамках проекта с целью своевременного выполнения плана закупок в соответствии с соответствующими нормами и правилами Министерства здравоохранения Республики Узбекистан и процедурами ИБР.

Требования к квалификации

Опыт:
– 3-летний опыт работы в сфере международных закупок;
– опыт работы в проектах, финансируемых за счет международных финансовых институтов приветствуется.

Образование:

– высшее образование в области экономики/или финансов;
– образование в сфере закупок/поставок приветствуется.

Другие навыки:

– знание INCOTERMS 2010, основных правил таможенной очистки;
– высокий уровень владения устным и письменным узбекским, русским и английским языками;
– умение качественно работать с текстовыми файлами, таблицами и графическими программами (MSWord, Excel, PowerPoint).

Продолжительность работы:

Контракт с отобранным кандидатом будет заключен сроком на один год или до завершения проекта, в зависимости от того, что наступит ранее. Первые три месяца работы являются испытательным сроком. Контракт будет продлеваться в зависимости от удовлетворительного исполнения должностных обязанностей, что ежегодно будет оцениваться Министерством здравоохранения, с учетом мнения ИБР.

Заинтересованные кандидаты должны направить свое резюме на нижеуказанный адрес электронной почты до 7 марта, 2018 года.

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан
Объединенная группа реализации проектов
700011, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Навои, 12
Тел./факс: (99871) 268-25-39 (124),
E-mail: akhunjon.sapaev@minzdrav.uz

Job vacancy announcement from Ministry of Health
of Uzbekistan

Ministry of Health of Uzbekistan is implementing a Project onequipping State Sanitary Epidemiological Supervision Centers with laboratory equipment under the financing by Islamic Development Bank (IDB). The Project Scope encompasses provision of modern analytical laboratory equipment for State Sanitary Epidemiological Supervision Center throughout the country and related personnel training. Ministry of Health, for the achieving of the Project's goals and objectives, would like to recruit employee through open competition and merit based selection for the following position:

Procurement specialist of the Project

Duties & Responsibilities: under the general supervision of the Director of United Project Management Unit (UPMU), the incumbent is responsible for, but not limited to, coordination of procurement under the project to ensure timely implementation of the procurement plan in accordance with the applicable regulations of the Republic of Uzbekistan and the procedures of the IDB.

Qualification requirements**Experience:**

– at least 3 years of experience in the implementation of procurement;
– experience of procurement in projects financed by international financial institutions is an advantage.

Education:

– university Degree in economics /or finance;
– education in the area of procurement is the preferred.

Other skills:

– knowledge of INCOTERMS 2010, the customs procedures;
– must possess excellent communication skills in Uzbek, Russian and English, both written and spoken;
– ownership of skills in word processing programs, spreadsheets, graphics programs (MS Word, Excel, PowerPoint).

Assignments' duration:

The contract with the selected candidate will be concluded for the period of one year or until the completion of the project, depending on which comes first. First three months will be a probation period. The contract will be extended depending on satisfactory performance of the functional responsibilities of the employee as it will be annually evaluated by the Ministry of Health, considering IDB opinion.

Interested candidates should submit their CV to the e-mail address below by **March 07, 2018.**

Ministry of Health of Uzbekistan United Project Management Unit
700011, 12 Navoi str., Tashkent, Uzbekistan
Tel./fax: (99871) 268-25-39 (124),
E-mail: akhunjon.sapaev@minzdrav.uz

ГРИПП: СИМПТОМЫ И ПРОФИЛАКТИКА

СЕЗОННЫЙ ГРИПП – это острая вирусная инфекция, вызываемая вирусом гриппа. Существует три типа сезонного гриппа – А, В и С. Вирусы гриппа типа А подразделяются на подтипы, в соответствии с различными видами и сочетаниями поверхностных белков вируса. Среди многих подтипов вирусов гриппа А в настоящее время среди людей циркулируют подтипы гриппа А (H1N1) и А (H3N2). Вирусы гриппа циркулируют во всех частях мира. Случаи заболевания гриппом типа С происходят гораздо реже по сравнению с гриппом типов А и В. По этой причине вакцины от сезонного гриппа содержат только вирусы гриппа А и В.

Признаки и симптомы

Для сезонного гриппа характерны внезапное появление высокой температуры, кашель (обычно сухой), головная боль, мышечная боль и боль в суставах, сильное недомогание (плохое самочувствие), боль в горле и насморк. Большинство людей выздоравливает в течение недели без какой-либо медицинской помощи. Но грипп может привести к развитию тяжелой болезни или смерти у людей из групп повышенного риска (см. ниже). Период между инфицированием и заболеванием, известный как инкубационный период, длится около двух дней.

Кто подвергается риску?

Ежегодные эпидемии гриппа могут оказывать серьезное воздействие на все возрастные группы, но самый высокий риск развития осложнений угрожает детям в возрасте до двух лет, взрослым в возрасте 65 лет и старше и людям любого возраста с определенными заболеваниями, такими как хронические болезни сердца, легких, почек, крови и болезни обмена веществ (например, диабет), или с ослабленной иммунной системой.

Передача инфекции

Сезонный грипп передается легко и может быстро распространяться в школах, домах престарелых и инвалидов, на предприятиях и в городах. Когда инфицированный человек кашляет, инфицированные капли попадают в воздух. Их может вдохнуть другой человек и подвергнуться воздействию вируса. Вирус может также передаваться через руки, инфицированные вирусом. Для предотвращения передачи люди должны прикрывать рот и нос при кашле носовым платком и регулярно мыть руки.

Лечение

С помощью противовирусных препаратов от гриппа, доступных в некоторых странах, можно эффективно предотвращать и лечить болезнь. Существует два класса таких препаратов:

- 1) адамантаны (амантадин и ремантадин);
- 2) ингибиторы нейраминидазы гриппа (осельтамивир и занамивир).

У некоторых вирусов гриппа развивается устойчивость к противовирусным препаратам, ограничивающая эффективность лечения. ВОЗ проводит мониторинг чувствительности циркулирующих вирусов гриппа к противовирусным препаратам.

СЕЗОННЫЕ ЭПИДЕМИИ

В районах с умеренным климатом эпидемии гриппа происходят ежегодно в осеннее и зимнее время года. Болезнь приводит к госпитализации и смерти, главным образом, в группах повышенного риска (таких, как совсем маленькие дети, пожилые люди и хронические больные). Большинство случаев смерти, связанных с гриппом, в промышленно развитых странах происходит среди людей 65 лет и старше. В некоторых тропических странах вирусы гриппа циркулируют круглый год, достигая одного или двух пиков во время дождливых сезонов.



Основные факты:

- Грипп – это острая вирусная инфекция, легко распространяемая от человека человеку.
- Грипп циркулирует во всем мире, и им может заболеть любой человек из любой возрастной группы.
- Грипп вызывает ежегодные сезонные эпидемии, пик которых в районах с умеренным климатом приходится на зиму.
- Грипп представляет собой серьезную проблему общественного здравоохранения, которая вызывает тяжелые заболевания и приводит к смертельным исходам в группах населения повышенного риска.
- Эпидемия может оказывать негативное воздействие на экономику в связи со снижением производительности трудовых ресурсов и создавать чрезмерную нагрузку для служб здравоохранения.
- Вакцинация – это самый эффективный путь профилактики инфекции.



Профилактика


Самым эффективным путем профилактики болезни или ее тяжелых последствий является вакцинация. Вот уже более 60 лет имеются и используются безопасные и эффективные вакцины. Среди здоровых взрослых людей вакцина может предотвратить заболеваемость гриппом на 70% – 90%. Среди пожилых людей вакцина уменьшает количество тяжелых заболеваний и осложнений на 60% и случаев смерти – на 80%.

Вакцинация особенно важна для людей из групп повышенного риска развития серьезных осложнений гриппа, а также для людей, живущих вместе с людьми из групп высокого риска или осуществляющих уход за ними.

ВОЗ рекомендует ежегодную вакцинацию для следующих групп населения (в порядке убывания значимости):

- жители домов престарелых и домов инвалидов;
- пожилые люди;
- люди с хроническими заболеваниями;
- другие группы, такие как беременные женщины, работники здравоохранения, люди, занимающие ответственные посты, а также дети в возрасте от шести месяцев до двух лет.

Л. КУДАШЕВА,
заведующая отделом эпидемиологии Республиканского Центра санитарно-эпидемиологического надзора.



Последствия болезни

Грипп может вызывать серьезные проблемы в области общественного здравоохранения и экономики. В развитых странах эпидемии могут приводить к высоким уровням невыхода людей на работу и снижению производительности. В местных сообществах клиники и больницы могут быть переполнены больными людьми, обратившимися за лечением во время пиковых периодов болезни. Большинство людей выздоравливает от гриппа, однако ежегодно многие люди нуждаются в стационарном лечении и много людей умирает от этой болезни. О последствиях эпидемий гриппа в развивающихся странах известно мало.

ОГОХ БЎЛАЙЛИК!

Мамлакатимиз корхона ва ташкилотларида ёнғин хавфсизлигининг олдини олиш борасида кенг қўллади ишлар олиб боришмоқда. Албатта, бино ва иншоотларнинг қурилаётганлиги яхши, аммо қурилиш биналарининг ичига назар ташлайдиган бўлса, ушбу жойларда ёнғин хавфсизлиги қондиларида кўп равишда бузилаётганлиги га гувоҳ бўламиз. Ана шундай ҳолатни Тошкент шаҳар Бектемир тумани Олтинтопган кўчасида жойлашган "ENERGOMAX" МЧЖ томонидан олиб

борилаётган қурилиш ишларида кузатишимиз мумкин. Айниқса, газ плиталарининг назоратсиз қолдирилаётганлиги кўнгилсиз оқибатларга олиб келмоқда, шунингдек, бинода ёнғин ўчириш техник анжомлари ва бирламини воситалари мавжуд эмас, хоналарда вақтинча тортилган оқиқ ҳолдаги

электр симларидан, қурувчиларнинг дам олиш хонасида қўлбола усулда ясалган ичтиш пещидан фойдаланилиши натижасида кўпгина техник асбобларга зарар етмоқда. Ушбу кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида корхона раҳбари Мурод Бекжоновга

жўриқдаги камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар бериб ўтилди. Шу билан бирга, корхона ва ташкилотлардаги ишчи ходимлар билан ёнғин хавфсизлиги қондалари га рия қилиш бўйича суҳбатлар ўтказилди.

Жанибек САЛИМБАЕВ,
Тошкент шаҳар
Бектемир тумани ЁХБ катта
инспектори сержант.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соглиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилмиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қavat.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Маtbут ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март кунини
рўйхатта олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 5596 нуска.
Буюртма Г-237.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.